



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 4 октябрь, № 206 (7436)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ХАЛҚАРО ХУНАРМАНДЧИЛИК ФЕСТИВАЛИНИ ЎТКАЗИБ БОРИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда мамлакатимизда қадимий ва бой тарихимиз, миллий ўзлгимиз, бетакрор кадрият ва анъаналаримиз тимсоли бўлган халқ амалий санъатини ривожлантириш, хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ушбу йўналишда халқро ҳамкорликни кенгайтириш ва шу асосда Ўзбекистоннинг бу соҳадаги улкан салоҳият ва имкониятларини дунёга намойиш этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хозирги вақтда хунармандчилик санъати халқимиз кундалик ҳаётидан тобора мустақам ўрин эгалламоқда. Мамлакатимизда ҳар йили мазкур йўналишда юздан зиёд фестивал ва ярмаркалар, савдо кўргазмалари ва бошқа тадбирлар ўтказилаётгани ҳам шундан далолат беради.

Шахрисабзда мақом, Термизда бахшичилик санъатига бағишланган халқро фестиваллар, Бухоро шаҳрида "Ипак ва зирворлар", Марғилонда "Атлас байрами" анжуманлари ўтказиб келинаётгани, уларда дунёнинг кўплаб давлатларидан маданият ва санъат намояндалари, бу йўналишда ўзининг илмий ишлари, амалий фаолияти билан танилган олимлар ва мутахассислар иштирок этаётгани диққатга сазовордир.

Жорий йил 10 — 15 сентябрь кунлари Кўқон шаҳрида ЮНЕСКО шафелигида биринчи Халқро хунармандчилик фестивали ўтказилгани, Жаҳон хунармандлар ташкилоти томонидан ушбу шаҳарга "Жаҳон хунармандлари шаҳри" мақоми берилгани ўзбек халқ амалий санъатининг халқро миқёсдаги юксак эътирофи бўлди.

Жаҳон халқ амалий санъатини, унинг ажралмас қисми бўлган ўзбек миллий хунармандчилигини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қаратилган ана шундай эзгу ишлар ушбу бебаҳо бойликни келгуси авлодларга безавол етказиш, бу йўлдаги саъй-ҳаракат ва имкониятларимизни бирлаштиришда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаш лозим.

Ана шу омиларнинг барчасини эътиборга олиб ҳамда мамлакатимизда халқ амалий санъатини ривожлантириш, унинг миллий қадриятларимиз давомийлигини сақлаш, уларни кенг тарғиб этиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги ўрнини ва аҳамиятини янада ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Савдо-саноат палатаси, "Хунарманд" уюшмаси, Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Бадий академияси ва Фарғона вилояти ҳокимлигининг ҳар икки йилда бир марта сентябрь ойида Кўқон шаҳрида **Халқро хунармандчилик фестивали** (кейинги ўринларда — фестивал) ҳамда фестивал доирасида "**Хунармандчилик ва халқ амалий санъатини ривожлантириш истикболлари**" мавзусидаги илмий-амалий конференция (кейинги ўринларда — Илмий-амалий конференция) ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Куйидагилар:
а) **фестивалнинг** асосий вазифалари этиб белгилансин: Ўзбекистоннинг миллий хунармандчилик анъаналарини давом эттириш, хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бой маданий меросини дунё ҳамжамияти ўртасида тарғиб этиш ва шу орқали жаҳондаги турли миллий маданият ва қадриятларни яқинлаштириш;

миллий хунармандчилик ва халқ амалий санъати соҳасининг халқро обрў-эътиборини мустақамлаш, "**Кўқон — Жаҳон хунармандчилик шаҳри**" брендини кенг тарғиб этиш ҳамда мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳиятини ошириш;

(Давоми 2-бетда).

«TASHKENT BOOK FEST»

ХАЛҚАРО КИТОБ КЎРГАЗМА-ЯРМАРКАСИ ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШИШ, ХАМКОРЛИКНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ УЧУН МУҲИМ МУЛОҚОТ МАЙДОНИ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Маънавият

"Ўзэкспомарказ" мажмуасида "Tashkent Book Fest — 2019" биринчи халқро китоб кўргазма-ярмаркаси ўз ишини бошлади.

Унинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги мутасаддилари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, дипломатик корпус, матбас, ношрилик, адабиёт, таълим-тарбия, санъат ва маданият соҳалари ходимлари, ўқувчи-ёшлар, ота-оналар қатнашди.

Қайд этилганидек, мазкур халқро кўргазма-ярмарка нафақат китоблар намойиши, балки соҳа ходимлари ва иштирокчилар учун ўзаро тажриба алмашиш, ҳамкорликни йўлга қўйиш, янги техника ҳамда технологияларни жорий этишда ўзига хос мулоқот майдони бўлиб хизмат қилади.



Валентина МАТВИЕНКО: ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ МИНТАҚАЛАРАРО ХАМКОРЛИК ТАЖРИБАСИНИ КЕНГАЙТИРИШ КЕРАК

Мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенко 3 октябрь куни Бухорога ташриф буюрди.

Юқори мартабали меҳмонни Бухоро халқро аэропортида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Танзила Норбоева ва Бухоро вилояти ҳокими Уктам Барноев кутиб олди.

Россия Федерацияси парламентининг делегацияси вилоят билан танишувни Когон туманидаги Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасидан бошлади.

Бухоро — буюк алломалар, хусусан, ислом дини тараққийига муносиб ҳисса қўшган пирлар авлиёлари камолга етказган кўчма замин. Мустақиллик йилларида аждодларимизнинг бой меросини ўрганиш, хотирасини эъзозлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ана шундай улуг зотлардан бири, таълимоти комил инсон тарбияси билан узвий боғлиқ Баҳоуддин Нақшбанд қабри жойлашган улкан ҳудуд ҳам ободлаштирилиб, зиёратгоҳга айлантирилди. Россияликлар

мазкур маскан билан танишиб, Нақшбандия тарикатининг ўзига хос жиҳатлари буйича батафсил маълумотга эга бўлди.

Шундан сўнг меҳмонлар узок тарихга эга ноёб меъморий ёдгорликлари билан жаҳонга машҳур Бухоро шаҳри билан танишди. Улар Лаби Ховуз мажмуаси, ундаги Нодир Девонбеги мадрасасини томоша қилди. Бу ерда меҳмонларнинг вилоят марказидаги 2-умумтаълим мактаби ўқувчилари кутиб олди. Ёшларнинг бахтли болалик ва юртни тараннум этувчи чиқишлари Россия делегацияси аъзоларини мамнун этди.

Буюк Ипак йўлида жойлашган Бухоро азалдан ўзининг беназир хунармандчилик билан машҳур. Меҳмонларда мажмуа худудида аждодлари анъаналарини давом эттираётган халқ усталарининг санъаткорона қўл ишлари катта таассурот қолдирди.



ЎЗБЕКИСТОН ТУРКИЙ КЕНГАШГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР БИЛАН АНЪАНАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРМОҚДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистон ташқи сиёсатида катта ўзгаришлар ва ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз ҳаётини чуқур билиши, халқимизнинг халқро алоқалардаги устувор манфаатларини тўғри баҳолаш олиш қобилияти ва салоҳияти ташқи сиёсатимизда янги уфқларни очиб берди.



Муносабат

Ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий алоқаларга иқтисодлаштирилган вазирлик ва идораларнинг фаолияти тақомиллаштириш, элчионалар ва дипломатларнинг иш услублари янгилади, масъулияти оширилди, уларга қўшимча имкониятлар яратилди, янги дипломатик ваколатхоналар очилди. Мамлакатимизнинг халқро ҳамкорликдан қўзлаган мақсад ва вазифалари аниқлаштирилди, бойитилди, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишда янги йўллар — гайрат-шижоатли, дадил ҳамда конструктив ёндашувлар ҳаётга татбиқ этилди. Ўзбекистон икки томонлама воситалар билангина чекланиб қолмасдан, кўп томонлама мулоқот механизмидан ҳам самарали фойдаланмоқда.

Бундай ижобий ўзгаришлар ташқи сиёсатда қисқа муддатларда муҳим тарихий ютуқлар қўлга киритилишига асос бўлди. Мамлакатимизнинг дўстлари кўпайди, Марказий Осиё ва минтақа атрофида йиғилган қолган қатор долзарб масалаларга ечим топилди, қўшни, яқин ва узок мамлакатлар билан мулоқот янги соғлом сиёсий ва иқтисодий алоқалар йўлга қўйилди. Юртимиз ва минтақамизнинг хорижий сармоядор ва сайёҳлар учун жозибадорлиги ортди, давлатимиз раҳбарининг ташқи сиёсатдаги ташаббуслари изчил амалга оша бошлади. Бунинг самарасида, айтиш мумкинки, минтақада ва халқро майдонда "Янги Ўзбекистон", деган тушунча пайдо бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг кўп қиррали сиёсати, самимий ёндашуви, саъй-ҳаракатлари Ўзбекистоннинг турли давлатлар билан муносабатлари ижобий йўналишда ривожланишида муваффақият калфолати сифатида хизмат қилмоқда. Қатор мамлакатлар билан, шу жумладан, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига аъзо давлатлар — Туркия, Қозғистон, Қирғизистон ва Озарбайжон билан ҳам алоқаларимиз илгари мисли кўрилмаган даражага кўтарилди. Ҳамкорлигимизнинг янги йўналишлари, янги механизмлари шакллани бошланди.



Халқро конференция

Сайлов қонунчилигидаги янгиликлар: ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР ВА АМАЛИЁТ

Пойтахтимизда «Ўзбекистоннинг янгиланган сайлов қонунчилиги — демократик сайловлар ўтказишнинг асоси» мавзусида халқро конференция бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ташаббуси билан Марказий сайлов комиссияси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ)нинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси ҳамда БМТнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда уюштирилган конференцияда халқро ва хорижий экспертлар иштирокида сайловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Қатнашчиларга сайлов қонунчилигидаги янгиликлар тўғрисида атрафлича маълумот берилди.

Таъкидланганидек, парламент куйи палатасида депутатлик

ўринлари учун Ўзбекистон экологик ҳаракати вакилларига квота ажратилиш институти сайлов қонунчилигидан чиқариб ташланди. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш тартиби қонун билан мустақамланди. Шунингдек, сайловларни ўтказиш ёки ташкил этишнинг бошқа масалалари юзасидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби белгиланди. Сиёсий партиялар томонидан имзо йиғиш жараёнида сайловчиларнинг бир ёки бир нечта номзодларни ёхуд партияларни қўллаб-қувватлаб, имзо қўйиш ҳуқуқи берилди. Фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари томонидан участка сайлов комиссияси аъзоларига номзодлар буйича таклифлар киритиш тартиби жорий этилди. Ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларга сайловда қатнашиш ҳуқуқи берилди. Сайловчилар рўйхатида ўзгаришлар киритиш сайловга уч кун қолганида тўхтатиладиган бўлди. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари сони 3 нафардан 5 нафарга кўпайтирилди.



Парламент ҳаёти

КЕНГАШ МУРОЖААТНОМАСИ ҲАР ТОМОНЛАМА ЎРГАНИЛАДИ

Ўтган куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашидан галла етиштирувчи фермер хўжалиқларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш юзасидан Мурожаатнома келиб тушди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизматининг хабар беришича, куйи палатада Спикер бошчилигида сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари, кўмиталар раислари ва депутатлар иштирокида мазкур Мурожаатнома юзасидан йиғилиш ўтказилди.

Мурожаатномада таъкидланишича, галла харид нархлари бозор нархларига яқинлаштирилган шартда, бир қатор дон қорхоналари фермер хўжалиқларидан қабул қилган галла учун ҳисоб-китобни яқини еткази олмапти.

Бунинг сабаби, дон қорхоналари бугўдйни бозор нархида харид қилиб, қайта ишлашдан тайёрланган уннинг 1 килограмми учун 1400 сумдан, яъни Ҳуқумат



Сайлов қонунчилигидаги янгиликлар:

ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР ВА АМАЛИЁТ



Конференцияда сўзга чиққан халқаро экспертлар ўзбекистонда сайловларни демократик принциплар асосида ўтказишда Сайлов кодексининг қабул қилинган ҳамда сайловлар билан боғлиқ қонун ҳужжатларининг тақомиллаштирилгани муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди.

Халқаро анжуман ўз ишینی икки йўналишда давом эттирди. "Сайлов кодекси — партиялараро рақобатни таъминлашнинг кафолати" мавзусидаги йўналишда янгиликлар қабул қилинди.

сайлов қонунчилиги талаблари асосида партияларнинг сайловлардаги иштироки ва партиялараро рақобат масалалари атрофида муҳокама қилинди.

"Сайлов кодекси — сайлов очиклигини таъминлашнинг кафолати" мавзусидаги йўналишда эса сайловлар жараёнини ёритишда ОАВнинг иштироки ҳамда сайлов ва ахборот қонунчилиги оид талабларга риоя қилиниши масалалари бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Яқунда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сўз — анжуман иштирокчиларига

Жон МАКГРЕГОР, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси:



— Мазкур анжуман Ўзбекистонда сайловларни халқаро талаблар, амалиёт ва тамойилларга мос равишда ўтказиш йўлидаги яна бир дадил қадамга айланишига аминман. Айни чоғда у Ўзбекистонда инсонни Конституцияда белгиланган сайлов ва сайланиш ҳуқуқидан фойдаланиш мавзусига бағишланган. Бу эса демократик жамиятнинг асосий мезонларидан биридир.

Маълумки, Харақатлар стратегиясида сайлов йўналишидаги асосий вазифалар ҳам белгилаб берилган бўлиб, у ЕХХТ принциплари ҳам тўри келади. Чунки ташилотимизнинг сайловга доир қатор мажбуриятлари мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган янги Сайлов кодекси бўйича ЕХХТ ДИИХБ ва Венеция комиссияси ўзининг ижобий фикрларини берганидан хурсандман. Уларда кодекс лойиҳаси ЕХХТ ва Европа кенгаши мажбуриятлари, стандартлари, ижобий амалиётига мослиги

этироф этилган. Хусусан, Сайлов кодексига сайловга оид бир неча янгиликларнинг киритилиши ДИИХБнинг асосий тавсиялари мувофиқ ижобий қадамдир.

Шундай экан, энг яхши амалиётлар алмашинуви ва уларни жорий этишда Ўзбекистон етакчидир. Бу ЕХХТнинг бошқа аъзолари учун намунадир.

Хулоса ўрнида айтишни истардимки, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ўзаро ҳамкорликни янада давом эттиришдан манфаатдор.

Ульви АХУНДУ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг сайловлар бўйича маслаҳатчиси (ЕХХТ ДИИХБ):



— ЕХХТ ДИИХБ тақлиф ва тавсиялари Ўзбекистонда амалиётга татбиқ қилинаётганига гувоҳ бўляпмиз. 2016 йилда биринчи мартаба Ўзбекистонда мuddатидан аввал ўтказилган Президент сайловида қисқа ва узок мuddатли кузатувчи сифатида ЕХХТ ДИИХБ кенг кўламли миссияни амалга оширганди. Ушанда ДИИХБ сайловларнинг эртаси кун дастлабки хулосаларини эълон қилганди. Миссия ўз фаолиятини тугатгунга қадар Президент бўлиб сайланган Шавкат Мирзиёев томонидан ДИИХБга ва миссия раҳбари номига хат йўлланди.

Унда давлат раҳбари мамлакатда сайлов тизимини тақомиллаштириш ва мустақамлаш, сайлов яқунларини пухтали билан таҳлил қилиш ва нафақат ЕХХТ ДИИХБ, балки сиёсий партиялар, хорижий давлат ва халқаро ташкилотлар кузатувчиларининг тавсияларини ҳам хар томонлама ўрганиш борасида келгусида ЕХХТ билан конструктив ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини билдирганди.

Натижада мазкур хат ДИИХБ ва Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси ўртасидаги муносабатларга ўзаро очиклик, ошоралик ва самимийлик бахш этди, назаримда. Ҳамкорлигимиз тарихида биринчи бор биз 2017 йил май ойида бўлиб ўтган сайлов яқун-

лари ҳисоботи тақдимотига тақлиф этилди. Шундан сўнг сайлов қонунчилигини тақомиллаштириш ва ягона Сайлов кодексини тайёрлаб, қабул қилишга киришилди. Кодекс лойиҳаси ташкилотимизда экспертизадан ўтказиш учун юборилди.

ЕХХТ ДИИХБ ҳисоботлари, бу — сайлов жараёнини бир томонлама ижобий ёки салбий томондан бўрттириб кўрсатиши эмас. Бу биз кузатганимизда аслида нималар содир бўлганлигини холис ақ эътирайдиган кўзгу, дейиш мумкин.

Яқин кунларда ташкилотимиз Ўзбекистонга парламент сайловлари жараёнига кенг кўламли кузатувчилар миссиясини юборди. Назаримизда, мамлакатнинг демократик ривожланишида мазкур сайловлар янги даврни бошлаб беради.

Акмал САИДОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси:



— Қирқдан ортик давлатларда алоҳида сайлов кодекслари бор. Ўзбекистонда Сайлов кодекси ўн саккизинчи кодексдир. У парламент ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Ҳозир биз уни амалиётга татбиқ қилиш босқичидамиз. Ўзбекистон ўзининг сайлов тизимини яратди. Конституцияда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари хусусида алоҳида бўлим ажратилган. Айтиш керакки, ҳамма мам-

лактлар конституциясида бундай эмас. Сайлов кодексини қабул қилишда 17 та норматив-ҳуқуқий актни кодификация қилдик. Ўзбекистоннинг янги Сайлов кодексининг манбаси сифатида миллий ва илгор тажрибалар ҳамда халқаро стандартларни уйғунлаштириш вазифаси олдимизда турган эди. Озодликдан маҳрум этиш жойларида ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларнинг овоз бериш жараёнида катнашинини чегараловчи қоидаларни истисно этдик. Депутатликка кўрсатиладиган номзодлар сони ҳам кўпайтирилди.

Кутилаётган сайловлар халқаро стандартлар ва фуқаролар хоши-иродасини ифода этадиган Сайлов кодекси учун синов вазифасини ўтайди.

Юнус БҲОҲОВ (Халқ сўзи).

МАКТАБ-ИНТЕРНАТДА ЗАМОНАВИЙ КОМПЬЮТЕР МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ташаббуси билан Яшнобод туманидаги 77-ихтисослаштирилган кўзи ожизлар мактаб-интернатида компьютер маркази очилди.

«Кўнгли кўзи» лойиҳаси доирасида ташкил этилган тадбирда агентлик раҳбарияти, Халқ таълими вазирлиги вакиллари, мактаб-интернат ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари, шунингдек, ўқитувчилар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори ўринбосари С. Мирзиёева мамлакатимизда бошқа ёшлар ўқиётган мактаб-интернатларнинг шакллантириш, китобхонлик маданиятини ошириш ҳам ана шундай ташаббуслардан биридир.

кўнмага эга бўлиши, айниқса, компьютер технологияларини чуқур ўзлаштириш учун керакли шарт-шароитлар яратилаётганини таъкидлади.

Мактаб-интернат ўқувчиларининг тўлақонли ривожланишида зарур бўлган шароитлар яратиш, уларда замонавий ахборот-коммуникация ва бутунжаҳон интернет тармоқидан фойдаланиш кўнмалярини шакллантириш, китобхонлик маданиятини ошириш ҳам ана шундай ташаббуслардан биридир.

— Ушбу марказнинг очилиши бу ерда таҳсил олаётган икмиюти чекланган ёшларни беҳад кувонтирди, — дейди мактаб-интернат директори Рустам Сафаров. — Компьютер маркази ёшларнинг билим олиши, сафоиятининг ошишига хизмат қилади. Бадий ва қўшимча адабиётларнинг Брайль алифбосида етарли даражада бўлмагани муаммо эди. Эндиликда марказ компьютерларида бадий ва қўшимча адабиётларнинг аудио шакли жойлаштирилган. Бу ҳам ўқувчилар учун жуда катта имконият бўлди. Улар ушбу китобхонани аудио орқали эшитиши мумкин. Кўзи ожиз ёки заиф кўрувчи ёшларимиз мана шу компьютер дастурлари орқали дунёни ҳис қилади.

Таъкидлаш лозимки, Агентлик томонидан тақдим этилган компьютерлар кўришида муаммо бўлган шахсларнинг имкониятларига максимал даражада мослаштирилган. Хусусан, улар экранда нутқ интерфейслари ёрдамида махсус ўқиш дастури билан жиҳозланган бўлиб, матн блоклари, ёрлик номлари ва меню бандлари овозли эшитилади.

Бундан ташқари, компьютер — «Болалик кунларимда» лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган аудиоортаклар, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси базасида сақланган аудиокинолар жойланган.

Аудиоматериаллар билан жиҳозланган компьютер маркази-

нинг муваффақиятли фаолияти бошқа мактаб-интернатлар учун ижобий тажриба бўлиб хизмат қилади. Алоҳида парваришда муҳтож одамларнинг билим олиш имкониятларини кенгайтиради.

Зеро, камол топаётган ёш авлод, жумладан, имконияти чекланган болалар мамлакатда яратилаётган шароитлардан фойдаланиши, жамиятнинг тўлақонли ва тенг ҳуқуқли иштирокчиси бўлиши лозим.

Тадбирда мактаб-интернат тарбияланувчилари учун танikli санъаткорлар томонидан концерт дастури намойиш этилди.

Нурилло НАСРИЕВ, ЎЗА мухбири.

«TASHKENT BOOK FEST»

ХАЛҚАРО КИТОБ КЎРГАЗМА-ЯРМАРКАСИ ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШИШ, ҲАМКОРЛИКНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ УЧУН МУҲИМ МУЛОҚОТ МАЙДОНИ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Кўргазма-ярмаркада Буюк Британия, Германия, Корея Республикаси, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия давлатларининг 18 та нашриёт ва китоб савдо ташкилотлари иштирок этмоқда. Шунингдек, хориж давлатларининг мамлакатимиздаги элчихона ва компаниялари вакиллари ҳамда республикамизнинг 30 та давлат ва хусусий нашриёт ҳамда китоб савдо ташкилотлари қатнашмоқда.

— Нашриётимиз Штуртгар шаҳрида жойлашган, — деди Германиянинг «Klett» нашриёти ходими Сандра Рамспергер. — Асосан, болалар ва катталар учун лугатлар, ўқув материаллари, маърифий нашрлар, медиа махсулотлар чоп этилади. «Tashkent Book Fest — 2019» кўргазма-ярмаркаси биринчи марта ташкил этилган бўлса-да, жуда қизиқарли ўтати. Ўзбекистоннинг кўлаб нашриётлари ўз махсулотларини тақдим этган, стендлар воситасида уларнинг самарали фаолият юритиётганини сезиш мумкин. Бу тадбир орқали Ўзбекистон китоб кадрланадиган юрт эканини англадик.

Кўргазманинг биринчи кунини «Ўткан кунлар» аудио-романи ҳамда бир қатор ўзбек адабларининг асарлари тақдими, интеллектуал ўйинлар, мушоиралар, давра сўхбатлари ўтказилди. Айтиш жоизки, «Ўткан кунлар» илк бор таҳрирсиз аудиоформат шаклида тақдим этилган диққатга сазовор. У Ўзбекистон Республикаси Президенти Адми-



нистрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан ҳамкорликда «Novla edutainment» компанияси томонидан тайёрланган.

Кўргазма-ярмарканинг иккинчи кунини «Hilol Nashr» томонидан Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфининг «Олам ва одам, дин ва илм» номли китоби, шунингдек, «Hilol Nashr» инновация кутубхонаси, «Hilol e-Book» илова дастури тақдими, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда «Адабий дўстлик — абадий дўстлик» мавзусида ижодий учрашув, «Академнашр», «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси», «Живая книга», «Сано-стандарт», «Ўзбе-

китон», «Янги аср авлоди» нашриётларида чоп этилган янги асарлар тақдими ҳамда интеллектуал викториналар, болалар учун бадий учрашувлар, эртақлар оламига сەҳнат ва китоблар кўргазмаси тақдим қилинди.

Анжуман якунида маҳаллий ва хорижий нашриётлар ўртасида ҳамкорликка доир келишувлар имзоланиши режалаштирилган. Турли номинациялар бўйича голиблар аниқланади.

Дилмурод СОДИҚОВ (Халқ сўзи).

Ҳасан ПАЙДОЕВ ва Ҳоким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

21 октябрь — «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинган кун

ЮРТИНИ СЕВГАН ОДАМ ДАВЛАТ ТИЛИНИ ҲУРМАТ ҚИЛАДИ

1989 йилнинг 21 октябрида қабул қилинган Ўзбекистоннинг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни ўзбек тилининг эркин ривожланишида муҳим қадам бўлди. Қолаверса, бу қатий ҳаракат давлат мустақиллиги томон қўйилган илк олдимидадан бири эканлиги учун ҳам аҳамиятлидир. Зотан, ўша маҳалларда қўлга киритилган миллий истиқлолимизни бир ниҳол сифатида тасаввур қиладиган бўлсак, унинг тирикчилиги, барқ уриб яшашига қувват бера оладиган ҳаётбахш томirlаридан бири она тилимиз эди.

Шу боисдан «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг ижроси ма-саласи ўша пайтлардаёқ Ҳукуматимизнинг алоҳида диққат-эътиборида бўлди, қабул қилинган Қонун ҳаёта татбиқ қилиш масаласини энг муҳим вазифалардан бири сифатида кун тартибига қўйди. Хусусан, уни замон талабидан келиб чиқиб янада тақомиллаштириш устида қатор ишлар амалга оширилдики, бу мазкур ҳужжат ҳам ҳуқуқий, ҳам халқаро талабларга тўла жавоб беришини таъминлади. Жумладан, 1995 йилнинг 21 декабрида қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг янги таҳририда Ўзбекистон Республикасининг демократик, тинчликсевар сиёсати ўзининг аниқ ифодасини топди. Қонуннинг бир қатор моддаларида ўзбекистонлик барча фуқароларнинг ўз тилларида эркин иш юритишлари учун барча шарт-шароит яратиби берилиши таъкидланди.

Бу йил республикамизда «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинганлигининг 30 йиллиги кенг нишонланади. Агар ўтган давр ичда мазкур Қонун моддаларининг ижроси бўйича амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинса, анча жиддий ютуқлар қўлга киритилганини кўриш мумкин. Бу ютуқларнинг энг асосийларидан бири сифатида биз ўзбек адабий тили ижтимоий вазифалари доирасининг хийла кенгайганлигини кўрсатишимиз мумкин. Хусусан, она тилимизнинг илмий, расмий услублари сезиларли ривожланди, ўзбек тилининг ижтимоий-сиёсий, дипломатик ёзишмалар тили сифатидаги роли фаоллашди, унинг банк-молия, почта, телеграф соҳаларидаги коммуникатив вазифаси ривож топди.

Маълумки, шўроларнинг

70 йилдан ортик вақт мобайнида олиб борган миллатларни ягона социалистик мафкурага бирлаштириш сиёсати тўғрисида ўзбек тили, собиқ Иттифок таркибидеги бошқа халқлар тиллари каби эркин ривожланишдан маҳрум бўлди. Қадимий ёзув маданиятига эга бўлган ўзбек тилининг илмий, расмий услубларининг ривожига тўсиқ қўйилди. Фундаментал тадқиқотлар рус тилида олиб бориладиган, барча турдаги бошқарува ва ҳўжалар идораларининг ҳўжжатлари шу тилда юритилди-

ка ҳўкуматининг махсус қарори билан ЎзР ФА ўша вақтдаги Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти зиммасига юклатилди. 1998 — 2006 йилларда Тил ва адабиёт институтида «Ўзбек тилининг изоҳли лугати» яратилди ва 2006 — 2008 йилларда унинг 5 та жилди тўлиғича нашр этилди. Бу мустақил республикамиз ҳаётида катта воқеа бўлди. Сабаби 5 жилдли изоҳли лугат жаҳон лексикографиясининг ижобий ютуқларидан фойдаланган ҳолда яратилган, мустақиллик даврида жамия-

ўзбек адабий тили» дарсликлари яратилди, она тили дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этишга катта эътибор қаратилди.

Қонунда ифодаланганидек, «Ўзбекистон Республикасида яшовчи шахсларга таълим олиш тилини эркин танлаш ҳўқуқи берилди.

Ўзбекистон Республикаси давлат тилида, шунингдек, бошқа тилларда ҳам умумий, ҳўнар-техника, ўрта махсус ва олий маълумот олишни таъминлайди» (6-модда). Ҳозирги вақтда республикамизда таълим беришнинг 7 тилда олиб борилаётгани Қонун моддалари ижросининг тўлиқ амалга оширилаётганидан далолат беради.

Қонуннинг 22-моддасида «Республиканинг маъмурий-ҳудудий бирликлари, майдонлари, қўчалари ва географик объектиларнинг номлари давлат тилида ақ эътирилади», деб таъкидланган.

Маълумки, бу борада ҳам республикамизда катта ишлар амалга оширилди. Бунда объектлар номини давлат тилида ақ эътириш баробарида, халқнинг тарихи, миллий ўзига хослиги ҳамда табиий шайроитини ақ эътирувчи кўлаб тарихий номлар қайта тикланди.

Бугун она тилимиз республикамизда бўлиб ўтадиган олий даражадаги давлат ва халқаро анжуманларда қўлланилмайдиган, келажакда қонун билан муҳофазаси қилинган тилга айланди. Бунга далил сифатида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизда ўтган бир неча халқаро анжуманларда ўзбек тилида қилган нутқларини келтиришимиз мумкин. Тилимизга бўлган бундай юксак эътибор, албатта, унинг нуфузи ошишига хизмат қилади. Яқинда Ўзбекистон телевидениеси орқали Жанубий Кореядан келиб, Ўзбекистонда докторлик диссертациясини ўзбек тилида ёкла-

ган О Ингён билан бўлган сўхбат намойиш қилинди.

О Ингён хоним ўзбекларнинг «Аппомиш» достони билан корейларнинг «Жумонг» достонини қиёсий ўрганишга бағишланган илмий иши ҳақида ўзбек тилида сўзлаётганини кўрган хар бир ўзбек кишининг кўнгли гурурга тўлгани шўбҳасиз.

Бирок биз ҳали бу борада қилишимиз керак бўлган ишлар, камчиликлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, бугунги кунимизни рекламасиз тасаввур этиш мушкул. Албатта, эълон ёрлиқларнинг кераклигини ҳеч ким инкор этмайди. Лекин бу дегани шаҳар бедарвога, дегани эмас-ку! Сезган бўлсангиз, гап кўчадаги турли шўр-ҳамда пешваҳалардаги хато ва камчиликлар ҳақида бормоқда. Уларни кузатиб гоҳида юрагинг эзилли кетади. Масалан, ошхона ёки кўнгилочар масканларни ишга тушганини ёки тез орада очилишини билдириш учун рус тилида «Мы открылись», «Скорее открытие» деган ёзувлар ёзиш расм бўлган, ваҳолонки, ўзбек тилида бу сўзларнинг муқобили бор.

Тўри, мамлакатимизда тадбиркорликка кенг имкониятлар яратилган, лекин бу «Давлат тили ҳақида»ги Қонунни менсимаслик дегани эмас-ку!

Тилимизнинг истиқболи ҳақида уйлар эканмиз, Алишер Навоий, Заҳирриддин Муҳаммад Бобур, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон каби аждодларимиздан бизга мерос бўлиб қолган она тилимизни асраб-авайлаш, уни авлодларимизга безавол етказиш хар биримизнинг бурчимиз экани яна бир бор ёдга тушади. Ўзбек тилининг истиқболини белгилаб берган «Давлат тили ҳақида»ги Қонун моддалари бу борада бизга дастуриламал вазифасини ўтайверади.

Тўлқин САЙДАЛИЕВ, филология фанлари номзоди, доцент.

«Сайлов — 2019»

«...Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан, маҳаллий Кенгашларга сайлов ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияси эса тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан сайловга камида етмиш кун қолганида комиссия раиси, раис ўринбосари, котиби ва олти — саккиз нафар комиссия аъзосидан иборат таркибда тузилади...».

100 БИЛАН ЮЗЛАШИШНИНГ ЯНА БИР СИРИ

Улуғ ҳақим Абу Али ибн Сино "Тиб қонунлари" асарига ҳаммомнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида батафсил тўхталган. Эеро, қанда қилмасдан ҳаммомга тушиш терини заҳарли моддалар, ортиқча чиқиндилардан тозалаш, унинг яшаришига хизмат қилади. Шу сабабли ҳам олимнинг ўзи бутун умри давомида ҳаммомдан мунтазам фойдаланган ва бошқаларга ҳам шуни тавсия этган.

Долзарб мавзу

Дарҳақиқат, аждодларимиз тана тозаланиши ҳамда саломатлигини таъминлаш, уни чиқинтиришда ҳаммомдан фойдаланиб келганлар. Хусусан, улуғ боболаримиз Мир Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳаммомнинг шифобахш хусусиятларини яхши англаганиликлари учун Ҳирот ва Ҳиндистонда юзлаб туркий ҳаммомлар қурдириб, уларнинг мунтазам ишлаб туришини назоратга олишган.

Унинг аъзоларидаги, ҳатто ҳужайра-лардаги заҳарли моддалар, чиқиндилар (ош тузи, хлоридлар, сут кислотаси ва бошқалар) чиқиб кетади. Натижанда улар фаол ишлаб бошлайди, иммунитет кучаяди. Қарабсизки, сал-пал касалликни тананинг ўзи енгиб кетаверади. Батафсил айтадиган бўлсак, нафас йўли, асаб,

гидан ўтаман, улар ҳар сафар "зўр", дея ташхис қўйишади. Такрор бўлса-да айтаман, буларнинг барчаси ҳаммомнинг фойдаси билан боғлиқ, деб ўйлайман.

Ҳаммомнинг шу хислатларини яхши англаб етган давлатларда ҳалқини шунга рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинади. Хусусан, ҳар бир фуқаронинг ўши-гидан бошлаб ҳаммом ва ундан фойдаланишининг ўзига хос аҳамияти тўғрисидаги билимларини ошириш чоралари кўрилади. Шу билан бир-га, ушбу давлатларда етарлича ҳаммомлар қурилган бўлиб, уларнинг мунтазам ишлаб туриши ва киши-ларнинг уларга келиши оддий ҳолга айланиб улгурган. Одамларнинг ўзи онгли равишда ҳафтада бир марта ушбу масканга келиб, дарддан

варақлаб қўриб, ҳаммом деган биронта сўзни тополмайсан. Назаримизда, бўлғуси шифокорларни ҳаммом хусусиятларидан хабардор қилиш фойдадан холи бўлмайди.

Президентимизнинг 2018 йил 27 июндаги Фармонида ушбу муаммага аниқ ечим кўрсатиб берилган, яъни жойларда ҳаммомлар қуриш масаласи ҳам инобатга олинган. Эндиги масала ўзимизда қолган. Яъни тадбирқору фермерларни кенг жалб этган ҳолда, одамларга қўлай бўлган жойларда туркий ҳаммомларни қуришимиз, улар мунтазам ишлаши учун қайғуришимиз, янаям муҳими, одамларнинг бу борадаги тасавурларини ўзгартиришимиз аниқ заруратдир. Шу билан бирга, юртошларимиз ҳаммомнинг хусусиятларини чуқур англаб етгани ҳолда, хонадонда ҳаммом курсалар, бундан ўзлари, халқимиз, бутун жамиятимиз фойда кўради.

Ҳаммомда ишлайдиган ходимларнинг бу борадаги билиминини ошириш ҳам муҳим. Шу мақсадда ўқув курслари фаолиятини йўлга қўйиш мумкин. Маҳалла фаоллари ҳудуддаги ҳар бир одамнинг ҳаммомга тушишини назоратга оلسа, самараси тез йиллар ичида кўрина бошлайди.

Агар имкони бўлиб, ҳаммомга тушиш бепул ташкил этилса, хайрли ва савобли иш бўлар эди.

Албатта, бу эзгу мақсад йўлида сарфланган маблағларни одамларнинг саломатлиги мустаҳкамланиши ва интеллектуал салоҳияти ошиши ҳисобига қисқа йиллар ичида қайтариб оламиз. Яъни одамларнинг ишга муносабати ижобий томонга ўзгариши, касаллик қамайиб, ишдан қолган холлари йўқола боради, иш унуми ошади.

Умуман, туркий ҳаммомларнинг фойдаси кўп. Бу аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашнинг энг яқин ва энг самарали йўли ҳисобланади. Шу маънода, биз ҳаммомни халқимизга тўлалигича қайтариб берсак, яъни одамларнинг бу борадаги фикрларини ижобий томонга ўзгартирсак, тарих олдида катта иш қилган бўлар эдик.

Ҳамид МАЖИДОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган
қишлоқ ҳўжалик ходими.

Истеъдод



ЁШЛАР ЎЗ ИҚТИДОР ВА САЛОҲИЯТЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТИШДИ

Пойтахтимиздаги мухташам «Нито arena» муз саройининг ҳовлисидидаги очик майдонда «Ўзбекистоннинг ёш истеъдодлари» мавзуда хайрия концерти бўлиб ўтди. Ўзбекистон давлат филармонияси ва «Bayram Navo» компанияси ташаббуси ҳамда «ЛУКОЙЛ» нефть компаниясининг ҳомийлиги асосида ташкил этилган мусиқали тадбирдаги чиқишлар ҳаммага кўтаринки кайфият улашди.

Йигилганлар даставвал Алибек Кабдурахмонов бошчилигидаги Миллий симфоник оркестри иштирокида ёш опера ижрочиларининг чиқишлари гувоҳ бўлишди. Ёш дирижёр Асадбек Аюбжонов мусиқий жамоани бошқариш салоҳиятини намоийш этди. Остона ва Минск шаҳарларида ўтказилган халқаро цирк фестивалларида олтин ва кумуш медаллар билан тақдирланган Тошкент циркнинг эквилибристи, катта бир сулоланинг вакили бўлган ўн ёшли Далер Ҳаметовнинг чиқиши кўпчиликда илиқ таассурот қолдирди. У ёш бўлишига қарамай, мувозанатни сақлаб олиш билан боғлиқ чиқишларда ўзининг чағдастлиги ва моҳирлигини кўрсатиб, йигилганларни ҳайратга солди. Томошабинлар халқаро эътирофга сазовор бўлишга улгурган Ўзбекистон давлат консерваториясини томонлаган ҳамда айни пайтда у ерда таҳсил олаётган талабалар, мусиқа коллежлари, марказлари, рақс академиялари ҳамда мактабларининг истеъдодли вакиллари билан олқишлаб туришди.



лаштирилган "Оқ фаришталар" ракси ҳам ҳеч қимни бефарқ қолдирмади.

— Мамлакатимизнинг энг маҳоратли оркестрлари билан бир сахнада ёш иқтидор эгаларининг ҳам иштирокини таъминлагани учун ташкилотчиларга ҳамда бош ҳомий — "ЛУКОЙЛ" вакилларига миннатдорлик билдираемиз, — дейди "Аладдин" болалар эстрада студияси бадий раҳбари Рустам Ҳамроқулов. — Компания маданий ҳамда спорт тадбирларини ўтказишда ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келмоқда, гуманитар соҳада хайрия ишларини олиб борапти, мамлакатимизда таълим, соғлиқни сақлаш ҳамда санъатни ривожлантиришда кўплаб саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Бундай лойиҳалар эса ёш санъаткорларнинг ўз иқтидор ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришида кенг имконият яратди.

Концерт якунида ёш доирачилар ҳамда Миллий симфоник оркестри жўрлигида ўзбек бастакори Анор Назаровнинг "Тароналар базми" деб номланган мусиқаси жаранглади.

Ш. ҒАФФОРОВ.

Реклама ўрнида

ЭЪЛОНЛАР

САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

2020 йил учун олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига қуйидаги ихтисосликлар бўйича докторантура (DSc) ва таянч докторантурага (PhD) ҳамда мустақил изланувчиликка қабул эълон қилади:

Таянч докторантура (PhD):

- 06.01.05 — Селекция ва уруғчилик — 2 ўрин.
- 06.01.06 — Сабзавотчилик — 2 ўрин.

Докторантура (DSc):

- 06.01.05 — Селекция ва уруғчилик — 1 ўрин.
- 06.01.06 — Сабзавотчилик — 1 ўрин.

- Таянч докторантурада (PhD) ўқишга талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:
 - ариза;
 - қисқача биографик маълумотнома;
 - меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
 - олий таълим муассасаси магистратураси дипломи, олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
 - нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари.
 - Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этади.
- Докторантурада (DSc) ўқишга талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:
 - ариза;
 - қисқача биографик маълумотнома;
 - меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
 - олий маълумот, фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;
 - тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
 - нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари.
- Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 06.01.05 — Селекция ва уруғчилик ҳамда 06.01.06 — Сабзавотчилик ихтисосликлари бўйича мустақил изланувчиликка ҳам талабгорлардан ҳужжатлар қабул қилинади.

Ҳужжатлар 2019 йилнинг 15 октябрга қадар <http://phd.mininnovation.uz> веб сайти орқали онлайн тарзда қабул қилинади.

Манзил: Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Кўксарой алоқа бўлими, Келес кўчаси.
Тел./факс: 71-226-85-03, электрон манзил: sabpkiti@iim.uz

Ушбу жойда **СИЗНИНГ** рекламаниз бўлиши мумкин эди!

«Халқ сўзи»даги Реклама — **бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!**

Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-ўй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz

Тиббиёт

ҚВПда аҳвол ўзгарди

Олтинқул туманидаги «Навий» қишлоқ врачлик пункти таъмирталаб бўлишдан ташқари, замонавий тиббий воситалар етишмаслиги боис аҳоли эътирозига сабаб бўлаётган эди.

«Зафар қурилиш кўркам» МЧЖ томонидан олиб борилган таъмирлаш ишларидан сўнг у кўркам қиёфага кирди. Бунинг учун маҳаллий бюджетдан 1,5 миллион сўм маблағ сарфланди. — Масканимиз ҳудудда истикомат қилувчи 6 минг нафар аҳолига хизмат қилади, — дейди ҚВП муdiri У. Нуриддинова. — Янги жиҳозлар келтирилган тиббий хизмат сифати ҳам яхшиланди.

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»)

ОБ по ООДПЗГ Нац.гвардии РУ

объявляет открытый конкурс на определение изготовителя журналов и бланков

№	Наименование	Ед. изм.	Кол-во	Примечание
1.	Журнал «Книга учета депонентов»	шт.	2	100 листов
2.	Журнал «Книга прием/сдачи поста»	шт.	10	100 листов
3.	Журнал «Книга учета резерва»	шт.	4	100 листов
4.	Бланки «Личная карточка»	шт.	1 500	100 листов

В коммерческом предложении отразить стоимость, форму и условия оплаты. Срок действия коммерческого предложения должен составлять не менее одного месяца. Конкурсные предложения принимаются по адресу: г. Ташкент, Чиланзарский район, ул. Алмазар, 17. Телефон 71-232-62-12. Факс 71-231-43-39. Срок приема коммерческих предложений — пять дней с момента опубликования объявления. Коммерческие предложения принимаются по факсу.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 46 058 нусхадда босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлабмақал тақрир қилинмайди ва мазаллига қайтарилмайди.
Газетанинг таъбир берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-ўй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Содиқов.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буоқ Турон кўчаси, 41. Ўза якуни — 22.00 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 5 6